

**O'zbekiston Respublikasi**  
**Samarqand viloyati**  
**Samarqand tumani**  
**НОКИМИ**  
**ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ**  
**ХОКИМА**  
**Самаркандского района**  
**Самаркандской области**  
**Республики Узбекистан**

2017 у.г. «23» март

№ 633-К Самарқанд т. – р. Самарқанд

**Фуқаро Асатов Турсунга тумандаги Оҳалик кишлоқ фуқаролар йиғинидаги**  
**Меҳробод маҳалласи ҳудудидан савдо биноси қуриш учун ер майдони**  
**ажратиш тўғрисида**

Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомасини инобатга олиб, танлов ғолиби Асатов Турсун туман ҳокими билан тузилган танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартномасини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Танловга қўйилган 5-сон ер майдонининг ғолиби фуқаро Асатов Турсун бўлганлиги сабабли тумандаги Оҳалик кишлоқ фуқаролар йиғинидаги Меҳробод маҳалласи ҳудудидан савдо дўкони қуриш учун 120,0 м.кв кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ер майдони ажратилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га, туман “Ермулккадастр” давлат корхонаси (Т.Шаропов)га, туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қаршиев)га, “Оҳалик” кишлоқ фуқаролар йиғини (Р.Хайруллоев)ларига тасдиқланган бош режа асосида танлов ғолибига ер майдонларини ўлчаб бериш, туман ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ер ўлчаб бериш далолатномасини туман ҳокимлигига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

4. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Т.Шаропов)га ушбу танлов ғолибига ер майдонига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилиши ва туман давлат солиқ инспекциясига маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.